

# МАМЛАКАТИМИЗ БАНК ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Холбутаев Ўктам Хужабекевич**

**Жиззах политехника институти**

**Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси ассистенти**

**Кузмина Светлана Николаевна**

**Санкт-Петербург давлат электротехника университети**

**Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Аннотация:** Мақолада банк тизимини ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек, банк тизимида мижозлар манфаатларини ҳимоя қилинишига оид бир катор таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Реал сектор, кредит, инвестиция, капитал, активлар, ликвидлилик.

**Annotation:** The article contains a number of proposals for eliminating factors that negatively affect the development of the banking system, as well as protecting the interests of clients in the banking system.

**Key words:** Real sector, credit, investment, capital, assets, liquidity.

Маълумки, пул-кредит сиёсати ҳар қандай давлатда пулга бўлган талаб ва пуллар таклифини, кредит, молия бозорлари ва банк тизими ликвидлигини ҳамда иқтисодиётни тартибга солишнинг энг муҳим ва самарали воситаси ҳисобланади. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида пуллар таклифи ва пул массасининг мутаносибликда бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга қўйилган стратегия ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, тижорат банклари қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида депозитларнинг ҳар хил турлари ва муддатларини таклиф этмоқда, мижозларга нақд пулларни бериш ва

вакиллик ҳисобварақларини мувозанатлашган бошқариш усулларини жорий этмоқда. Бироқ, Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлигини бошқариш стратегияси бўйича қўйган талабларига эътибор берадиган бўлсак, улар кейинги йилларда деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Марказий банкнинг тижорат банклари ликвидлигини бошқариш стратегиясида “Баланснинг актив қисмида ликвидликни бошқариш учун Давлат қисқа муддатли облигациялари ёки захираларнинг ортиқча миқдорини ёхуд қисқа муддатли қўйилмалари каби бошқа ликвидли активларни харид қилиш ёки сотиш усуллари билан амалга оширилиши” белгилаб қўйилган. Бироқ, тижорат банклари ликвидликни бошқаришда ушбу молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятлари жуда чекланган бўлиб, буни уларнинг молиявий ҳисобларида ҳам кузатиш мумкин. Қўйидаги жавдалда банк тизими юқори ликвидли активлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Тижорат банкларининг 2019-2023 йилларда жами активлари таркиби.

(1 январь ҳолатига, улуши жамига нисбатан фоизда)

|                             | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|-----------------------------|---------|---------|---------|---------|
| Нақд пуллар                 | 2,7     | 2,4     | 2,7     | 2,4     |
| Марказий банкдаги маблағлар | 5,1     | 5,4     | 5,1     | 7,1     |
| Инвестициялар               | 2,6     | 1,2     | 2,6     | 4,4     |
| Кредит қўйилмалари, соф     | 73,8    | 76,1    | 73,8    | 71,1    |

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, Ўзбекистон тижорат банклари жами активлари таркибида инвестицияларнинг улуши 2019 йил 1 январь ҳолатига 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йил 1 январь ҳолатига 4,4 фоизга етган ёки таҳлил этилаётган давр давомида 2,0 пунктга ортган. Ушбу кўрсаткични хорижий мамлакатларнинг тижорат банклари баланснинг активлари таркибида Хитой давлат тижорат банкларида 18-21 фоизни, Россия Сбербанкида эса бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари актив моддалари таркибида инвестициялар ҳажмини оширишга қатор омиллар таъсир қилади. Хусусан, мамлакатда бозор механизмлари, қоидалари ва тамойилларини етарли даражада жорий этилганлиги, тижорат банклари капитали таркибида давлат ва хусусий шахсларнинг улушини даражаси каби қатор масалалар шулар жумласидандир. Масалан, миллий иқтисодиётда коррупция ва хуфёна иқтисодиёт даражасининг юқорилиги, тижорат банклари капитали таркибида давлат улушининг 85 фоиздан юқорилиги мазкур муаммоларни ечимини топишга тўсқинлик қилмоқда.

Бу эса тижорат банкларида банк ички операциялари ҳисобини ташкил этиш, такомиллаштириш зарурияти, банк ички операцияларининг хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий тадқиқ этиш, уларни амалиётга жорий қилиш лозимлигини келтириб чиқаради. Бу эса, тижорат банкларида банк ички операциялари ҳисобини тадқиқ қилиш долзарблигини очиқ беради. Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан 24.02.2020 йилда ПҚ-4611 сонли Президент қарори ишлаб чиқилди, бунга асосан Тижорат банклари 2021 йилдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашлари кўрсатиб ўтилган. Банк активлари таркибида асосий улушни кредит қўйилмалари ташкил этган. Тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиёти тўғри йўлга қўйилиши биринчи навбатда банкларнинг асосий даромадларини шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда банк кредитларининг ўрни катта.



### 1-расм. Банк тизимида ликвидликни қоплаш коэффиценти (LCR), фоизда

Юқоридаги расмга асосан, банк тизими бўйича ликвидликни қоплаш коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio, LCR) Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрий минимал талаблардан анча юқори бўлиши банклар қисқа муддатли ликвидлик шокларига бардош бера олишини кўрсатмоқда. 2020 йил I чорагида кескин карантин чекловлари ўрнатилиши оқибатида иқтисодий фаоллик пасайишига қарамасдан, Марказий банк томонидан ўз вақтида етарлича ликвидлик билан таъминланганлиги натижасида банкларда ликвидликни қоплаш коэффиценти кескин пасайишининг олди олинди. 2021 йил бошида Марказий банк томонидан ликвидликни қоплаш коэффицентини ҳисоблаш методологиясининг ўзгартирилиши хорижий валютадаги соф харажатни аниқроқ баҳолаш имконини яратди. Ушбу ўзгартиришлар юқори ликвидли активлар ҳамда хорижий валютадаги активларга нисбатан қўйиладиган талабларни кучайтирди. Натижада, банк тизимида хорижий валютадаги ликвидликни қоплаш коэффиценти кескин пасайди.

Хулоса қилиб айтганда, Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари барча корхона ва ташкилотлар учун умумий стандарт сифатида ишлаб чиқилган эндиликда тижорат банклари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда янги йўриқномалар ва низомлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу эса тижорат банкларининг халқаро даражадаги ҳисоб ва ҳисоботларини юритишга имкон беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- Ўзбекистонда Тижорат банклари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асосий воситаларни ундан олинган эҳтимолий иқтисодий наф бўлгандагина уни актив сифатида тан олишни;

- Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда солиқ кодексидаги чекловларни бекор қилиш ва бу орқали маънавий тез эскирувчи асосий воситалар гуруҳига тезлаштирилган амортизация усулларида фойдаланишга рухсат беришни.

Банк ички операциялари банк фаолиятига баҳо бериш, таҳлил қилиш ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўладиган маълумотлар базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банкларида амалга оширилаётган ички банк операциялари ҳисобини назорат нуқтаи назаридан тўғри юритиш молиявий барқарорликни таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 24.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 17 декабрда 1434-сон билан рўйхатга олинган Марказий Банк йўриқномаси.

4. Халқаро Стандарти IAS-16 “Асосий воситалар”

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 24.02.2020 йилдаги “Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611 сонли Президент қарори

6. Избосаров Б. Ўзбекистонда тижорат банклари ликвидлигини таъминлашнинг методологик ва ҳуқуқий асосларини ўзига хос хусусиятлари. International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 1 Issue 02, 2022

7. Насриддинов Ф. Ўзбекистон банк тизимининг замонавий тенденциялари ва уни ривожлантириш имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.